



Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Х/р: 20208000507374724001 МФО:01148. ИНН: 312696489.
ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK". ОКЭД: 69202. Тел: 50-090-12-12, 91-339-09-24

«BOG'OT DON» акциядорлик жамияти корпоратив
бошқарув тизимини баҳолаш бўйича
ХУЛОСА

18 май 2026 йил

Хоразм вилояти

Текширув субъекти ҳақида маълумот

Тўлиқ номи:	«BOG'OT DON» акциядорлик жамияти
Юридик манзил:	Хоразм вилояти, Богот Ҳумани, Ўзгариш МФЙ
Ҳисоб рақами:	20208000200232736001. Богот т, "АГРОБАНК" АТБ
МФО:	00556
ОКЭД:	10610
СТИР:	200426279
Тел:	+998 88 718 78 00
Асос:	14.05.2026 йил №32 /026-FTP - сон шартнома

«BOG'OT DON» АЖ нинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ томонидан тайёрланди.

МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 21 майдаги «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 263-сонли Қарорига мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан (31.12.2015 йилдаги 9-сон баённомага ва 30.11.2016 йилдаги 12-сон баённомага асосан) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатиغا киритилган.

«BOG'OT DON» АЖ да корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

«BOG'OT DON» АЖ нинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ фақат «BOG'OT DON» АЖ томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида «BOG'OT DON» АЖ нинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

«BOG'OT DON» АЖ тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳслашилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ га келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг назорат ва масъулият доирасига киритилмади.

МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

МЧДЖ «FINAN TAX PRIME» АТ нинг янги хулосасига мувофиқ «BOG'OT DON» АЖ нинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра қониқarli деб эътироф этилади.

МЧЖ "FINAN TAX PRIME"
аудиторлик ташкилоти директори



А.А. Зокиров